



# О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI FARG‘ONA VILOYATI HOKIMINING QARORI

2022 йил «22» январь

27-11-0-Q/22

Фарғона вилояти ҳокимлиги

## Фарғона вилоятида 2022 йилда давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат мулкани ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2009 йил 8 апрелдаги 102-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2021 йил 30 декабрдаги 01/26-18-2212, 02/36-01-6/10-5187 ва 02/04-02-01-32/3116-сон қўшма хатига ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан,

### Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

#### 1. Қуйдагилар:

2022 йилда фаолият турларига нисбатан давлат мулкидан фойдаланганлик учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкалари 1-иловага мувофиқ;

Давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкаларига қўлланиладиган оширувчи коэффициентлар 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги 102-сон “Давлат мулкани ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан давлат мулки бўлган бинолар ва хоналарда жойлашган бюджет ташкилотлари учун

ижара тўловининг ноль ставкаси белгиланганлиги инобатга олинсин.

3. Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси (Ҳакимов)га қисқа муддатларда вилоятдаги давлат тасарруфида бўлган кўчмас мулк объектларини ижарага бериш юзасидан аввал тузилган ижара шартномаларига мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб, тегишли ўзгартиришлар киритиш вазифаси топширилсин.

4. Туман (шаҳар) ҳокимликларига ҳудудлардаги фойдаланилмай бўш турган мулклардан самарали фойдаланиш, уларни ижарага бериш юзасидан Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасига доимий таклиф ва маълумотлар киритиб бориш вазифалари топширилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги 102-сон қарори билан тасдиқланган Давлат мулкини ижарага бериш тартиби тўғрисида Низомга асосан ижарага берилаётган давлат мулки реестри ижарага берувчи томонидан шакллантирилиб, мулк тўғрисидаги мавжуд ахборотга мувофиқ ҳар чорақда янгилаб борилсин ҳамда реестрни шакллантириш учун ахборот балансида сақловчи томонидан ҳар чорақда тақдим этиб борилсин.

6. Вилоят ҳокимлигининг ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси, вилоят телерадиокомпанияси, “Фарғона ҳақиқати” ва “Ферганская правда” газеталари таҳририятига Давлат активларини бошқариш вилоят ҳудудий бошқармаси ҳамда Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасининг таклифлари асосида вилоятдаги бўш турган, ижарага бериладиган давлат тасарруфидаги объектлар тўғрисидаги маълумотларни оммавий ахборот воситалари орқали бепул ёритиб бориш тавсия этилсин.

7. Фарғона вилояти ҳокимининг 2021 йил 8 февралдаги 43-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Мазкур қарор “Фарғона ҳақиқати” ва “Ферганская правда” газеталарида расман эълон қилинсин ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

9. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят

ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Уринбаев зиммасига юклансин.

**Вилоят ҳокими**



**Х.Бозаров**

Фарғона вилоят ҳокимининг  
2022 йил 22 январдаги  
27-11-0-Q/22-сон қарорига  
1-илова

**2022 йилда фаолият турларига нисбатан давлат мулкидан фойдаланганлик учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкалари**

№	Ижарага бериладиган майдонлардан фойдаланиш мақсади	1 кв.м Фарғона шаҳар учун йиллик энг кам ижара ставкаси (ҚҚС билан бирга)	1 кв.м шаҳар ва туманлар учун йиллик энг кам ижара ставкаси (Фарғона шаҳардан ташқари) (ҚҚС билан бирга)
<b>Ишлаб чиқариш</b>			
1	Ёқилғи ишлаб чиқариш	10 400	7 600
2	Кимёвий ишлаб чиқариш	10 400	7 600
3	Нефт-кимё саноати	10 400	7 600
4	Машинасозлик	10 400	7 600
5	Машинасозлик ва асбобсозлик саноати	10 400	7 600
6	Ҳисоблаш техникаларини ишлаб чиқариш	10 400	7 600
7	Тракторсозлик ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги	8 500	6 300
8	Қурилиш, йўл ва коммунал муҳандислик	8 500	6 300
9	Ёнгил ва озиқ-овқат саноати машинасозлиги ҳамда маиший анжомлар саноати	10 400	6 300

10	Санитария ва газ ускуналари ва маҳсулотларини ишлаб чиқариш	10 400	7 600
11	Метал конструкциялар ва маҳсулотлар саноати (токарлик хизмати)	10 400	7 600
12	Машина ва ускуналарни таъмирлаш	10 400	7 600
13	Машинасозликнинг бошқа тармоқлари	10 400	7 600
<b>Ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати</b>			
14	Ёғоч маҳсулотларини тайёрлаш саноати	10 400	7 600
15	Ёғочни қайта ишлаш саноати	10 400	7 600
16	Целлюлоза-қоғоз маҳсулотлари саноати	10 400	7 600
17	Дераза ва эшиклар, мебель ишлаб чиқариш саноати (ёғочдан)	31 300	23 200
18	Қурилиш материаллари саноати	10 400	7 600
<b>Енгил саноат</b>			
19	Тўқимачилик саноати	10 400	7 600
20	Тикувчилик саноати	10 400	7 600
21	Чарм, мўйна ва пойабзал маҳсулотлари саноати	10 400	7 600
22	Енгил саноатнинг бошқа ишлаб чиқариш турлари	10 400	7 600
<b>Озиқ-овқат саноати</b>			
23	Озиқ-овқат саноати (балиқ, гўшт, ёғ-пишлоқ ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан ташқари)	10 400	7 600
24	Гўшт ва сут маҳсулотлари саноати	10 400	7 600

25	Балиқ маҳсулотлари саноати	10 400	7 600
26	Тегирмончилик саноати	10 400	7 600
27	Комбикорм (омухта ем) саноати	8 500	6 300
28	Озиқ-овқат саноатининг бошқа тармоқлари	10 400	7 600
<b>Саноатнинг бошқа тармоқлари</b>			
29	Тиббиёт саноати	10 400	7 600
30	Полиграфия саноати	25 400	21 800
31	Кийимларни ва газламалардан тайёрланган буюмларни кимёвий тозалаш, бўйаш, ювиш ва матоларни қайта ишлаш	12 700	9 300
32	Саноатни хўжалик бошқаруви	29 300	21 800
<b>Қишлоқ хўжалиги</b>			
33	Ўсимликшунослик (шу жумладан иссиқхона хўжалиги) 1 гектар ер майдони учун	4 172 400	3 094 900
34	Чорвачилик ва паррандачилик	5 000	3 800
35	Балиқчилик (шу жумладан сунъий майдон) 1 гектар учун	4 172 400	3 094 900
36	Асаларичилик 1 гектар ер майдони учун	2 712 500	2 011 900
37	Ветеринария хизматлари	10 400	7 600
38	Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи бошқа ташкилотлар	10 400	7 600
39	Ўрмон хўжалиги (шу жумладан боғлар) 1 гектар ер майдони учун	4 172 400	3 094 900
<b>Транспорт ва алоқа</b>			

40	Ер устида ҳаракатланувчи умумфойдаланишдаги темир йўл транспорти	10 400	7 600
41	Транспорт инфратузилмалари (автопарк, таксопарк, автомобиль тўхташ жойлари ва гараж)	10 400	7 600
42	Транспорт инфратузилмалари (жарима майдонлари)	2 650	2 100
43	Автомобилларни ювиш	33 500	21 900
44	Автомобилларга ёнилғи қуйиш	33 500	28 200
45	Аҳоли буюртмасига асосан юк ташиш ва бошқа транспорт-экспедиция хизматлари	18 800	14 100
46	Почта алоқаси	10 400	7 600
47	Курьерлик алоқаси	20 900	15 400
48	Электр-симли алоқа	20 900	15 400
49	Радио, уяли алоқа ва пейджер алоқаси (иншоотларни ҳисобга олган ҳолда ҳудуд доирасида)	87 700	65 100
<b>Қурилиш</b>			
50	Қурилиш	10 400	7 600
51	Лойиҳа, лойиҳа-қидирув ташкилотлари	10 400	7 600
52	Пластик дераза ва эшиклар ишлаб чиқариш	61 400	36 500
<b>Савдо ва умумий овқатланиш</b>			
53	Улгуржи савдо	29 300	21 800
54	Маҳсулотларни (хизматларни) қисмлаб савдо фаолиятини амалга оширувчи улгуржи савдо бозорларидаги савдо дўконлари	75 100	55 600

55	Чакана савдо	29 300	21 800
56	Умумий овқатланиш	29 300	21 800
57	Ярим тайёр озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиш (фаст фуд)	45 800	31 400
58	Китоб дўконлари	4 100	3 200
59	Маданий-маиший мақсадлардаги ҳамда хўжалик буюмларини ижарага бериш жойлари	29 300	21 800
60	Халқ хўжалиги савдо-харид маҳсулотлари даллоллик хизматлари	45 800	34 000
61	Моддий техника таъминоти ва етказиб бериш	29 300	21 800
62	Маълумот-ҳисоблаш хизматлари	29 300	21 800
63	Интернет ва компьютер тармоқлари орқали хизматлар кўрсатиш	29 300	21 800
64	Кўчмас мулклар билан боғлиқ муносабатлар	29 300	21 800
65	Реклама, кўргазмалар хизматлари	29 300	21 800
66	Маркетинг тадқиқотлари, тижорат, молия ва бошқарув фаолиятлари бўйича маслаҳатхоналар	29 300	21 800
67	Геология ва табиий бойликларни қидириш, геодезия ва гидрометеорология хизматлари	52 200	38 600
68	Таҳририят ва нашриётлар	16 800	12 400
69	Металлолом ва иккиламчи қоғоз (латта) маҳсулотларини тўплаш жойлари	16 800	12 400
70	Турар жой-коммунал хўжаликлари	16 800	12 400
71	Меҳмонхона хўжалиги	33 400	24 700
72	Умумий яшаш жойлари	26 000	18 900



73	Маиший хизматнинг ноишлаб чиқариш турлари	16 800	12 400
74	Сартарошхона, фотосалон, модалар ательеси, пойабзалларни таъмирлаш устахонаси	25 200	18 900
75	Ломбардлар	37 800	28 000
76	Ҳаммомлар	50 300	37 300
77	Сауналар ва бассейнлар	100 200	74 400
<b>Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот</b>			
78	Соғлиқни сақлаш	20 900	15 400
79	Сайёҳлик ва дам олишни ташкил этиш	20 900	15 400
80	Фитобар	14 500	10 700
81	Маданий кўнгилочар марказлар (бильярд, ўйин автоматлари, дискотека ва бошқалар)	33 400	24 700
82	Жисмоний тарбия ва спорт	10 400	7 600
83	Дорихоналар	16 800	12 400
84	Оптика, тиббиёт анжомлари ва жиҳозлар савдо дўконлари	35 200	19 600
85	Ижтимоий-дорихоналар	14 900	10 000
<b>Таълим</b>			
86	Олий ва ўрта-махсус таълими маълумотли кадрларни тайёрлаш (ўқув курслари билан)	16 800	12 400
87	Ишчилар ва хизматчиларни тайёрлаш ва малакасини ошириш	13 100	10 100
88	Болалар умумтаълим мактаблари (нодавлат таълим муассасалари учун)	8 500	6 300

89	Ўқув муассасаларида умумий овқатланиш	10 400	7 600
90	Мактабгача тарбия муассасалари (нодавлат таълим муассасалари учун)	7 400	5 800
91	Маданият ва санъат	29 300	21 800
92	Кўрғазмалар	22 600	17 500
93	Мактабдан ташқари тарбия	8 500	6 300
94	Маданият ва дам олиш боғлари	20 900	15 400
95	Ботаника боғлари ва зоопарклар	20 900	15 400
96	Телевидениялар ва радиоэшиттиришлар редакциялари	20 900	15 400
97	Киностудиялар, овоз ёзиш студиялари	33 400	24 700
98	Фан ва илмий хизматлар кўрсатиш	12 700	9 300
99	Автомактаблар	18 600	11 000
<b>Молия-кредит фаолияти</b>			
100	Молия, кредит ва пенсия таъминоти (суғурталаш ва аудиторлик фаолиятидан ташқари)	29 300	21 800
101	Аудиторлик фаолияти	29 300	20 400
102	Банк фаолияти	29 300	21 800
<b>Фаолиятнинг бошқа турлари</b>			
103	Суғурта ва нотариал хизматлар	29 300	21 800
104	Суд ва юридик хизмат муассасалари	25 200	18 900

105	Адвокатлар коллегияси ва юридик маслаҳатхоналар	25 200	18 900
106	Жамоатчилик бирлашмалари	8 500	6 100
107	Омборхоналар	29 300	21 800
108	Давлат ташкилотларига офис	12 700	9 300
109	Хусусий ташкилотларга офис	45 800	34 000
110	Архив хизмати	12 700	7 800
111	Енгил автомашиналар ва бошқа турдаги транспорт воситаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш (шу жумладан вулканизация)	33 400	24 700
112	Лабораториялар	20 900	15 400
113	Турли хизмат турлари тўловлари (пайнет)	83 900	62 100
114	Маданий мерос объектлар бино ва иншоотларида жойлашган савдо дўконлари	45 800	34 000
115	Маданий мерос объектлари бино ва иншоотларида жойлашган умумий овқатланиш шохобчалари	40 100	29 800
116	Авиа кассалар (шу жумладан темир йўл, автотранспорт ва бошқалар)	45 800	34 000
117	Банкоматлар	418 100	310 100
118	Нон-булка маҳсулотлари ишлаб чиқариш	29 300	18 900

**Изоҳ:**

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси йиғилиш баёнининг (30.06.2009й. №7/10-41) 11-бандига мувофиқ, Қишлоқ врачлик пунктлари ҳузурида фаолият юритаётган мулкчилик шаклидан қатъий назар дорихона муассасаларига давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг "нол" ставкаси қўлланилади.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.11.2012 йилдаги №02/1-74-сон топшириғига асосан ёпик ҳарбий шаҳарчалар, ҳарбий қисмлар ва муассасалар ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг савдо бошқармаси таркибий бўлинмалари учун кўчмас давлат мулкidan фойдаланганлик учун ижара ҳаққининг "нол" ставкаси қўлланилади.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24.07.2014 йилдаги 02/107-2670-сон топшириғига асосан 2014 йилнинг 1 августидан бошлаб "Тадбиркорлик ва ишбилармонлик ҳаракати" Ўзбекистон Либерал Демократик партиясининг Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Навоий, Фарғона, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳри (шу жумладан Миробод тумани) Кенгашлари, шунингдек, "XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти учун Ўзбекистон Либерал Демократик Партияси балансидаги тегишли давлат мулки объектларидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг "нол" ставкаси белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 02.09.2017 йилдаги 687-сонли "Фарғона вилоятининг Марғилон, Қўқон шаҳарлари ва Риштон туманида хунармандчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан "Моҳир хунарманд" малака даражаси берилган хунармандларга бўш турган давлат объектлари ўн йил муддатга "нол" қийматда ижарага бериш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 07.03.2018 йилдаги 186-сонли қарорига асосан хунармандчилик соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига давлат мулкidan фойдаланганликлари учун ижара тўловларининг 50 фоизга чегирилган ҳолда ҳисобланади.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 16.10.2017 йилдаги "Ёшлар тадбиркорлик кластерларини ташкил этишга доир ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида"ги 834-сон қарори мувофиқ, давлат мулки, шу жумладан эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари ҳудудида жойлашган давлат мулки объектлари Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи аъзоси бўлган ёш тадбиркорларга Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг шаҳар ва туман кенгашлари тавсияномасига асосан 5 йилдан кўп бўлмаган муддатга ижара тўловининг "нол" ставкаси асосида берилди.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.08.2017 йилдаги "Фарғона вилоятида жойлашган ишламай турган ва кам қувватли корхоналар фаолиятини тиклаш, шунингдек давлат мулки объектларидан самарали фойдаланишни чора-тадбирлари тўғрисида"ги 672-сон қарорига асосан Фарғона вилоятининг туман (шаҳар)лари ҳокимларига «Давлат мулкани ижарага бериш марказлари» ДУК билан биргаликда тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун республика давлат бошқарув органларига бириктириб берилган туман (шаҳар) ҳудудида жойлашган фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини (майдонларни), тегишли туман (шаҳар) ҳокимининг мурожаатидан сўнг икки ой муддатда балансда сақловчилар томонидан уларни ижарага бериш таъминланмаган тақдирда, истисно тариқасида, бир йилгача бўлган муддатга ижарага бериш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқи берилсин, бунда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда балансда сақловчиларга ажратмалар тегишли туман (шаҳар) бюджетига йўналтирилади.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 16.08.2017 йилдаги 14/1-1959-сонли топшириғига асосан 2018 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг тавсиясига асосан Олимпия ўйинлари ғолиблари ва совриндорларига хусусий спорт муассасаларини ташкил этиш учун давлат мулки, шу жумладан аҳоли кам жойлашган ҳудудлардаги ер майдонлари ижара тўловининг "нол" ставкаси асосида ажратилади.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 01.08.2018 йилдаги 609-20-сонли топшириғига асосан, келгусида Мудофаа вазирлиги томонидан вазирлик тизимидаги ўз фаолиятини иқтисодий мустақиллик, ўзини ўзи таъминлаш ва молиялаштириш тамойиллари асосида амалга оширадиган давлат унитар корхоналарига, шунингдек вазирликнинг бошқа таркибий бўлинмаларига биноларни, иншоотларни, жойларни, асбоб-уқуналарни, мебалларни ва бошқа мол-мулкни ижара шартномаси асосида вақтинчалик фойдаланишга беришда бинолардан, иншоотлардан, жойлардан, асбоб-уқуналардан, мебаллардан ва бошқа мол-мулкдан фойдаланганлик учун ижара тўловининг нол ставка белгиланади.

Фарғона вилоят ҳокимининг  
2022 йил 22 январдаги  
27-11-0-Q/22-сон қарорига  
2-илова

### Давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкаларига қўлланиладиган оширувчи коэффициентлар

т/р	Ижара объектларининг жойлашган ўрни ва турлари бўйича	Қўлланиладиган коэффициентлар			
		Фарғона, Қўқон, Марғилон шаҳарлар ҳудудлари бўйича	Туманлар марказлари ҳамда Қувасой шаҳар бўйича	Туманлар ҳудудлари бўйича (туман марказларидан ташқари)	Фарғона тумани Шохимардон МФЙ ва Ёрдон МФЙ, Риштон тумани Чўнғара МФЙ ҳамда Сўх тумани бўйича
1.	Ижара объектнинг ҳудудий зоналари бўйича коэффициент (Кз)	2,5	2	1,5	1,3
1.1.	Радио, уяли ва пейджинг алоқа антенналари ўрнатиш учун*	2,5			
2.	Ижара объектнинг қурилиш тури бўйича коэффициент (Кк)	-	-	-	-
	<b>Жумладан:</b>				
	-алохида турадиган бинолар учун	2	1,5	1,5	1,3
	-кўшимча қурилган бинолар учун	1,5	1,3	1,4	1,2
	-чердак қисми учун	0,4	0,3	0,4	0,3
	-болаҳона қисми учун	0,5	0,4	0,5	0,4
	-том қисми учун	0,6			
	-ярим ертўла ва алохида ертўла қисми учун	0,5	0,4	0,5	0,4
3.	Туташ ҳудуддан фойдаланиш коэффициенти (техник майдон, деҳқончилик мақсадида ва хаказо) (Кх)	1	0,8	0,8	0,7
3.1.	Радио, уяли ва пейджинг алоқа техник қурилмалар жойлаштирилган майдон*	1,2			

4.	Ижара объектдан тижорат мақсадларида фойдаланишда қулайлик коэффициенти ( <b>К<sub>о</sub></b> ) (асосий автотранспорт йўллари бўйлаб жойлашиш, иккинчи даражали автотранспорт йўлларига чиқишда жойлашиш ва бошқалар).	2	1,5	1,5	1,3
----	---	---	-----	-----	-----

\* Радио, уяли ва пейджинг алоқа антенна ва бошқа техник қурилмалар учун ижара тўловининг таянч ставкаси миқдори антенна ёки бошқа техник қурилмаларни тортқич қозиклари эгаллаган умумий майдон бўйича ҳисобланади.

Бинолар ва иншоотлар бўйича ижара тўловини (ижара тўловининг таянч ставкаси) ҳисоблаб чиқиш қуйидаги тарзда аниқланади:

$$T_c = Э_c * K_z * (K_k + K_x + K_o)$$

Бунда:

$T_c$ –бир йилга бир кв.м. учун ижара тўловининг таянч ставкаси;  $Э_c$ –бир йилга бир кв.м. учун энг кам ижара ставкаси.